

10-мавзу: Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати (8-соат)

- 1 Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолатининг умумий тушунчаси.**
- 2. Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларини бошқариш**
- 3.Шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг бошқарилишининг асосий хусусиятлари. Шаҳар қурилиши ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 4. Шаҳар атрофи ва яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати**

10-Мавзу.4-маъруза:

Шаҳар атрофи ва яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати

Режа:

- 1. Шаҳар атрофи ерлари тушунчаси.**
- 2. Яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати**

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР:

Асосий адабиётлар:

1. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
2. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
3. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
4. Mirzaabdullaeva M.R., Muqimov A., Xafizova Z.X. Yer huquqi. O'quv qo'llanma. -T.:TIMI, 2016, – 202 b.

Қўшимча адабиётлар:

1. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
2. Земельное право республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбева. –Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
3. Ерофеев Б.В. Земельное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
4. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Адолат, 1998
5. Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик кодекси. –Т.: Адолат, 2002

Интернет ва Зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. <http:// zakon. rin. ru>


МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 10 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 60 дақиқа	2.1.Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар) Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.	Ўқийдилар Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қарагади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони 90</i>	10 Мавзу, 4-маъруза 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	1. Шаҳар атрофи ерлари тушунчаси. 2. Яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати
Машғулотнинг мақсади: Шаҳар атрофи ва яшил муҳофаза зоналари тўғрисида тасаввурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none">- Шаҳар атрофи ерлари тўғрисида тушунча беради.- Яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча беради	<ul style="list-style-type: none">-Шаҳар атрофи ерлари тўғрисида тушунчага эга бўлади.-Яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунчага эга бўлади
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	жамоавий иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Ўзбекистон республикаси Ер кодексининг
59-моддасига кўра шаҳарлар ва посёлкаларнинг
маъмурий чегараларида қанлай ерлар мавжуд?



**Ўзбекистон республикаси Ер кодексининг
59-моддасига кўра шаҳарлар ва посёлкаларнинг
маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар
ва посёлкаларнинг ерлари таркиби**

шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари

умумий фойдаланишдаги ерлар

**қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва
бошқа ерлар**

дарахтзорлар эгаллаган ерлар

**саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа
мақсадларга мўлжалланган ерлар**

алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари

сув фонди ерлари

захира ерлар

Шахарсозлик кодексининг
42-моддасида белгиланган аҳоли
пунктлари таркибида қандай зоналар
мавжуд?

?

?

?

?

?

?

?

?

?

Шахарсозлик кодексининг
42-моддасида белгиланган аҳоли
пунктлари таркибидаги зоналар

турар жой зоналари

ижтимоий-амалий зоналар

ишлаб чиқариш зоналари

**муҳандислик ва транспортга оид
инфратузилмалар зоналари**

рекреацион зоналар

**қишлоқ хўжалиги мақсадларида
фойдаланиладиган зоналар**

махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар

**ҳарбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар
зоналари;**

шаҳар атрофи зоналари

```
graph TD; A((Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (7-боб 60- модда))) --- B((Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик кодекси (6-боб 51-52 моддалар))); B --- C((Қонун ости ҳужжатлари)); B --- D((Шахар атрофи зоналари ерлари ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи манбалар));
```

**Ўзбекистон Республикаси
Ер кодекси
(7-боб 60- модда)**

Қонун ости ҳужжатлари

**Шахар атрофи
зоналари ерлари
ҳуқуқий
ҳолатини тартибга
солувчи манбалар**

**Ўзбекистон Республикаси
Шахарсозлик кодекси
(6-боб 51-52 моддалар)**

Аҳоли пунктларининг чегараси тушунчаси

ЕК 60-модда

Аҳоли пунктларининг чегараси - шаҳар, посёлка, кишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа ерлардан ажратиб туради.

Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим.

Шаҳар атрофи ерлари тушунчаси

ЕК 60-модда

Шаҳар атрофи зоналари шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий ва хўжалик ҳудудини ташкил этувчи шаҳар чегарасидан ташкаридаги ерларни ўз ичига олади. Шаҳар атрофи зоналарида шаҳар атрофидаги кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудуди, аҳоли дам олиш зоналари, шаҳарни ривожлантириш учун захира ерлар ажратилади.

Шаҳар атрофи зоналарининг чегаралари ва ҳуқуқий режими қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шаҳар атрофи ерлари тушунчаси

ШК 51-52 моддалари

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 51, 52-моддаларида шаҳар атрофи зоналарининг тушунчаси, улардан фойдаланиш тартиби белгиланган. Унга кўра, шаҳар атрофи зонаси шаҳар чегарасидан ташқаридаги, шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий, хўжалик ҳудудини ташкил этувчи ҳамда мазкур шаҳар ҳудудини, унинг шаҳар атрофи зонасига кирувчи аҳоли пунктлари ҳудудларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни (шаҳарни ривожлантириш учун мўлжалланган захира ҳудудни) ривожлантириш учун ҳамда саноат, коммунал ва омборхона объектларини, муҳандислик, транспортга оид инфратузилмалар объектларини, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги участкаларини, аҳоли дам олиш жойларини жойлаштириш, шунингдек қишлоқ хўжалигини юритиш ҳамда муҳофаза ва санитария-гигиена вазифаларини бажариш учун мўлжалланган ерлардан иборат бўлади.

Шаҳар атрофи ерлари тушунчаси

ШК 51-52 моддалари

Шаҳар атрофи зоналари чегараларини белгилаш шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида Шаҳарсозлик кодекси ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Шаҳар атрофи зонаси ҳудудидан фойдаланиш ҳамда унинг чегараларидаги шаҳарсозлик фаолияти шу шаҳар атрофи зонасига кирувчи аҳоли пунктлари, аҳоли пунктлариаро ҳудудлар аҳолисининг манфаатларини, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти бошқа субъектларининг манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Шаҳар атрофи зоналари ҳудудларининг зоналаштирилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳларида, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларида, шунингдек шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари билан биргаликда ишлаб чиқиладиган бош режаларида белгиланади.

Яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати

ШК 51-52 моддалари

Шаҳарни шаҳар атрофи зонаси чегараларида ривожлантириш учун ҳудудлар доирасида бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ва кенгайтирилиши шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йилда қабул қилинган **“Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш”** бўйича **Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида (ШНҚ 2.07.01 – 03)** шаҳар атрофи дам олиш зоналарини, кўкаламзор ҳудудларни ташкил этиш тартиби белгиланган. Шаҳарларнинг атроф яшил зоналари дам олиш, санитар-гигиеник ва хўжалик мақсадларида фойдаланилиши керак. Яшил зоналарда уларнинг ўз экологик, санитар-гигиеник ва дам олиш вазифаларини бажаришига салбий таъсир этувчи хўжалик фаолияти тақиқланади.

Яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати

ШК 51-52 моддалари

Шаҳар атрофи зоналарининг ҳуқуқий ҳолатига оид ер қонунчилиги ва шаҳарсозлик нормалари мазмунидан кўриниб турибдики, шаҳарлар заруратга кўра шаҳар атрофидаги ерлар ҳисобига кенгайтирилади. Шаҳар атрофи ҳудудлари тегишли туман маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратиб берилади. Юридик ва жисмоний шахслар эгаллигидаги шаҳар атрофида жойлашган ер участкалари шаҳар таркибига киритилганда улар кўрадиган моддий зарар тўлиқ қопланади. Шаҳар ерларининг вужудга келиш жараёни шаҳар чизиғи доирасидаги ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи объектларига боғлиқ бўлмайди. Аммо ер участкаларини қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидан чиқариб шаҳар чизиғи доирасига киритилиши ушбу ерларнинг тақдирини ҳал қилади.

Блиц саволлар

1. Аҳоли пункти ерлари тушунчаси нимани англатади?
2. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати қайси норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади?
3. Ер кодексининг қайси моддалари асосида аҳоли пунктлари ерларида юзага келган муносабатлар тартибга солинади?
4. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати тушунчаси нимани англатади?
5. Республикамизда аҳоли пунктларининг қандай ҳилдаги кўринишлари мавжуд?
6. Аҳоли пунктлари қандай белгилар асосида амалга оширилади?

11-Мавзу: ШАХАРДА ЯШАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Режа:

- 1. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш, олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш тартиби**
- 2. Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи;**
- 3. Фуқароларга жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун бериб қўйилган ер участкаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқи.**